

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

## ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ  
ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА  
БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ  
БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ  
КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

■ БУГУН - ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



### ОЗОДЛИК ВА ИСТИҚЛОЛ ПОСБОНЛАРИ



### ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ



«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ

«ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати

Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!

Сайт: [www.pochta.uz](http://www.pochta.uz); e-mail: [oao@post.uz](mailto:oao@post.uz)



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФУҚАРОЛАРИНИНГ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ  
ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВИ ҲАМДА  
БЕЛГИЛАНГАН ХИЗМАТ МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ  
БЎЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ ҚУРОЛЛИ  
КУЧЛАР РЕЗЕРВИГА БЎШАТИШ ТЎҒРИСИДА

■ БУГУН - ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



### ОЗОДЛИК ВА ИСТИҚЛОЛ ПОСБОНЛАРИ



### ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ



«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ

«ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати

Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!

Сайт: [www.pochta.uz](http://www.pochta.uz); e-mail: [oao@post.uz](mailto:oao@post.uz)



1928 йил 11 декабрда асос солинган

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси**

www.th.uz





Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Сизларни, ўз ҳаётини она Ватанни ҳимоя қилишдек муқаддас ва олижаноб вазифага бағишлаган барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қўлғусана – Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборақбод этиш менга катта мамнуният этказди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, замонавий, ҳаракатчан, ҳар томонлама яхши қуролланган армияни ташкил этиш бўйича ўзининг қўлами ва миқёсига қўра улкан ишлар тизимли ва босқичма-босқич равишда амалга оширилмоқда.

Замонавий талабларни, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучларнинг ташкилий-штар тузилиши принципиал жиҳатдан ўзгартирилди, тезкор-стратегик бошқарув, оператив тайёргарлик ва кўшинларни жанговар қўллашнинг ҳақиқий марказига айланган Бирлашган штаб бошчилигида қўшин турларини самарали бошқариш тизими яратилди.

Ҳарбий округлар тузилди, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва ўзлаштириш замонавий талабларга жавоб берадиган тизими шакллантирилди, ҳарбий операциялар амалга ошириладиган энг муҳим йўналишларда ҳаракатчан, яхши таъминланган бўлинмалар, биринчи навбатда, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва одамларимизнинг тинч-осойишта ҳаётини бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз қўшларнинг тажовузкор хатти-ҳаракатларига қатъий зарба беришга қодир бўлган Махсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, Террорчиликка қарши курашиш корпуси батальонлари тузилди.

Умумқўшин бригадалари бўлинмалари таркибига вертолёт техникасининг берилиши уларнинг жанговар имконияти ва қудрати, ҳаракатчанлиги, шиддатли равишда кечадиган тезкор операцияларни бажариш қобилиятини сезиларли равишда оширди.

Айни пайтда миллий армиямизни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш соҳасида кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Армиямизнинг сержантлар таркибини, шунингдек, стратегик фикрлайдиган, интеллектуал савияси етук офицер кадрлар ва кўмондонлик таркибини тайёрлаш жараёни принципиал жиҳатдан янгилаш ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Муддатли ҳарбий хизмат бир йил этиб белгиланди. Чақирувнинг ўзи эса бир йилда бир марта амалга оширилмоқда. Сафарбарлик-чақирув резерв хизмати жорий этилди. Бугунги кунда Қуролли Кучларимиздаги ҳарбий хизматчиларнинг яридан қўлини шартнома асосида хизматга чақирилган аскар ва сержантлар ташкил этмоқда. Буларнинг барчаси армиямизнинг қиёфаси ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан ўзгартириш имконини берди.

Биз ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни мустаҳкамлаш, улар учун зарур уй-жой ва маиший шaroитларни яратишга муҳим аҳамият бериб келмоқдамиз. Фақат кейинги беш йилда барча тоифадаги ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маоши ўртача уч қарра ошгани, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маошлари ва ҳарбий хизматдан бўшаганда тўланадиган ёрдам пули миқдори эса саккиз баробар ўсгани ҳам шундан далолат беради.

Амалга оширилган ана шундай кенг қўламли ишларимиз якуларини баҳолаш эканмиз, армиямиз ҳозирги кунда нафақат Ватанимиз чегараларини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилмоқда, айни вақтда мустаҳкам ирода ва характер, мустақил фикрлаш қобилияти шаклланадиган, жисмоний чиниқшиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ҳақиқий профессионал малака ошириш мактабига айланмоқда, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Бир сўз билан айтганда, армия хизмати том маънода мардлик ва матонат фазилатларини тарбиялаш, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактабига айланмоқда.

Қадрли дўстлар!  
Ҳозирги босқичда Қуролли Кучларимизни ислоҳ этиш ва унинг жанговар тайёргарлигини

ни оширишнинг аҳамияти энг аввало дунё шиддат билан ўзгараётган, Яқин Шарқ ва Форс кўрфази атрофидаги вазият тобора кескинлашаётган бир шароитда қарама-қаршилик, хавфсизликка турли таҳдид ва хатарлар кучайиб бораётганини ҳисобга олганда, минтақада юзага келаётган мураккаб вазият билан белгиланади.

Марказий Осиё минтақаси ўзининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти, улкан минерал-хомаш ресурсларига эга экани туфайли кейинги йилларда йирик давлатларнинг доимий диққат марказидаги объектга, уларнинг стратегик манфаатлари тўқнашадиган ҳудудга айланмоқда, шу билан бирга, ўттиз йилдан зиёд вақт мобайнида уруш давом этаётган Афғонистондаги кескинлик ва қарама-қаршиликнинг хали-бери сақланиб келаётган таъсири остида қолмоқда.

Америка контингенти ва хавфсизликка кўмаклашадиган халқаро кучларнинг 2014 йилда Афғонистондан олиб чиқиш келишилсининг эълон қилиниши ва келгусида бу қарорнинг амалга оширилиши террорчилик ва экстремистик фаолиятнинг кенгайиши хавфининг кучайишига, мазкур улкан минтақада кескинлик ва қарама-қаршиликнинг ортишига, бу ерда доимий беқарорлик манбаи яратилишига олиб келиши мумкин.

Минтақада жойлашган айрим мамлакатлардаги ижтимоий норозиликнинг кучайиши, экстремистик кучларнинг сафига янги-янги аъзоларни жалб этиш учун қўлай замин тугдираётган, ёмонлашиб бораётган ижтимоий-иқтисодий вазият минтақавий барқарорлик ва хавфсизликка қарши жиддий таҳдид бўлиб қолмоқда.

Шу борада ихчам, ҳаракатчан қисм ва бўлинмалардан фойдаланган ҳолда, кўққисдан, шиддатли ва тез амалга оширилиши билан ажралиб турадиган замонавий жанговар операцияларни ўтказиш шарт-шароити ва характери тубдан ўзгарганини доимо назарда тутиш лозим.

Бугунги кундаги ҳарбий можаро ва маҳаллий урушлардаги жанговар операцияларнинг таълими шундан далолат беришмоқдаки, махсус вазифаларни бажарадиган принципиал жиҳатдан янги жанговар тизимларни, бир-бири билан бевосита жангга кирмасдан ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш шакллари ва энг янги ахборот технологияларини, замонавий, юқори даражадаги аниқлик билан зарба берадиган қурол-яроғ турларини қўлга олиш учун олиб бориш усулларида тобора кенг фойдаланилмоқда.

Лўнда қилиб айтганда, Марказий Осиё ва дунёда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий вазиятни баҳолаш минтақадаги тинчлик, барқарорлик ва исчилик тараққиётга нисбатан таҳдидларнинг кучайиш тенденцияси тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг бутун муҳофа ва хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини юксалтириш бўйича олдиндан ишлаб чиқилган тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва ҳарбий тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасидаги ишларни исчилик давом эттиришни тақозо этмоқда.

Бугунги вужудга келган шароитда Муҳофаа вазирлиги, Қуролли Кучларнинг Бирлашган штаби, ҳарбий округ ва кўшин турлари кўмондонлари, бригада командирлари, бутун офицерлар корпуси Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Кўмондонининг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан қабул қилинган Директива-сида баён этилган устувор мақсад ва йўналишларни амалга оширишни ўзининг энг муҳим вазифаси деб ҳисобласин.

Бу борада минтақамизда юз бериши мумкин бўлган жанговар ҳаракатлар театри шароитида тажриба тўплашни янада ошириш, замонавий ҳарбий операциялар ўтказишнинг асосий тамойил ва усулларига оид билимларни такомиллаштириш ва чуқурлаштириш, кўшинларда фавқулодда мураккаб ва кескин шароитларда вазиятни тез ва тўғри баҳолай олиш ва қарор қабул қилиш қобилиятини тарбиялаш, замонавий жанговар операцияларда замонавий ва юқори даражадаги аниқлик билан зарба берадиган қурол-яроғларни қўллаш асосларини пухта эгаллашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Қуролли Кучлар ва ҳарбий округлар кўмондонлиги томонидан замонавий ҳарбий ҳаракатлар театри шароитида жанговар операцияларни ўтказишнинг турли моделларини ўзлаштиришнинг мактабига айланиши лозим

бўлган кўмондонлик-штаб ва тактик ўқув машқларини режалаштириш, ташкил қилиши ва ўтказиш бўйича ишлар самарадорлигини оширишга ўта жиддий эътибор қаратиш талаб этилади.

Қисм ва бўлинмаларни замонавий қурол-яроғ ҳамда техника ва уларнинг фаолиятини таъминлайдиган воситалар билан қайта жиҳозлаш, мавжуд қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани жангга шай ҳолатда тутиш ва модернизация қилиш учун зарур бўлган қудратли таъмирлаш базасини яратиш масалалари бундан буён ҳам эътиборимиз марказида туриши даркор.

Кўмондонлик ва сержантлар таркиби кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими тубдан яхшилашни талаб этмоқда. Ҳарбий таълим ва жанговар тайёргарликни янги сифат босқичига кўтариш Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини оширишнинг энг муҳим шартидир.

Сержантлар ўртасида командирлик ва етакчилик фазилатларини янада ривожлантириш, улар томонидан жанговар тайёргарликни ташкил этишнинг энг янги шакллари, усул ва усулларининг ўзлаштирилиши, шахсий таркибнинг уларга ишониб топширилган замонавий қуроллар ва ҳарбий техникани моҳирлик билан ишлатиши, шунингдек, бошланғич бўлинмаларда маънавий-ахлоқий муҳит ва тартиб-интизомни яхшилашда сержантларнинг ролини кучайтириш борасидаги ишларни давом эттириш зарур. Бунинг учун ўзаро мусобақа муҳити, моддий ва маънавий рағбатлантириш шароитини яратиш керак.

Қуролли Кучларнинг ҳаракатчанлиги ва жанговар қобилиятини ошириш мақсадида жанговар взводларнинг юксак тайёргарлик даражасини таъминлаш муҳим вазифа бўлиб қолиши зарур. Бу вазифани амалга ошириш ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятлари, ҳарбий операцияларни ўтказиш тактикаси ўзгарган шароитда взводларнинг тобора ортиб бораётган роли ва аҳамиятини белгилаб беришга қаратилган дастур, низоом ва режалар, бир сўз билан айтганда, барча асосий ҳужжат ва қонунларни қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Взвод олдига қўйилаётган вазифаларнинг мураккаблашуви ва кенгайиши, унинг роли кескин кучайиши билан взвод командирларига ва уларнинг профессионал тайёргарлигига нисбатан талаблар ҳам ошиб бормоқда. Бугунги кунда взвод командири ҳар томонлама кенг билим ва юксак профессионал маҳоратга эга офицер бўлиши, фавқулодда ва кескин шароитларда ўзи мустақил равишда ностандарт қарорлар қабул қила олиши, ўзига бўйсунадиган бўлинмаларни жангга ҳам, кундалик фаолиятда ҳам моҳирлик билан бошқара олиши даркор.

Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, оқдий аскар, сержант ва офицерлар таркибининг ижтимоий-маиший, яшаш ва хизмат шaroитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурларимизнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолиши керак.

Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига алоҳида аҳамиятга молик вазифа сифатида қараш зарур. Нега деганда, бугунги замонада фақат ижтимоий жиҳатдан яхши таъминланган ҳарбий хизматчилар, шу билан бирга, пухта тайёргарликка эга бўлган, кучли, ҳар томонлама таъминланган Қуролли Кучларга давлатимиз хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлади.

Хурматли ватандошлар!  
Мана шу қўлғуси айёмда сизларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 20 йиллиги билан табриклар эканман, Қуролли Кучларимиз сафарида бугун жасорат ва матонат намунасини кўрсатиб хизмат қилаётган, машаққатли меҳнати, керак бўлган пайтда эса ўзининг ҳаётини ҳам бағишлаб Ватан ҳимояси йўлидаги шарафли бурчини адо этаётган барча ҳарбий хизматчиларга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Сизларнинг оила аъзоларингиз ва яқинларингизга ўзининг самимий ҳурмат ва эътиромини изҳор этаман. Меҳрибон ота-оналарингиз, умр йўлдошларингиз, ўғил-қизларингиз она юртимиз равнақи учун муносиб, жанговар хизмат қилаётган ўз фарзандлари, турмуш ўртоқлари ва оталари билан ҳар қанча фахрланса арзийди, албатта.

Янги 2012 йилда барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад ёр бўлсин!

**Ислом ҚАРИМОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**  
**Қуролли Кучлар Олий Бош Кўмондони.**

“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ҳуқуқига”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ;

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2012 йилнинг февраль-март ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақи-

рилишдан овоз этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув муболағида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервиге олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар 2012 йилнинг март-апрель ойларида

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервиге бўшатилинсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг Котиби Б. Тошматов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. ҚАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2012 йил 12 январь.



**Ватан ҳимоячилари кўни арафасида вилоят Маънавият ва маърифат марказида ҳарбийларнинг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.**

Ҳарбий оркестр қалбларини тўлқинлантирувчи марш куйини бошлади. Бинога кираришда фахрий қоровул саф тортиди. Байрамона безатилган зал тақдир этилган меҳмонлар билан тўла. Улар хизматлари давомида алоҳида ўрнатилган офицер ва сержантлар. Ҳар бир кунлари том маънода дақиқама-дақиқа белгилаб қўйилган офицерлар бундай йиғинларга тўплашиб, бир пайтлар ҳарбий қисмларда елкама-елка хизмат қилган сафдошлари билан кўнгилдан суҳбатлашиш учун камдан-кам имкон топадилар. Армия ҳаёти сафарбарликка, хоҳ кундузи, хоҳ кечаси бўлсин, буйруқни бажариш учун



шай туришга ўргатади. Ўзбекистон Республикаси давлат маънавияти янғирайди. Вилоят ҳокими Рустам Холматов, Тошкент ҳарбий округи кўмондони Рустам Халилов тантанали

йиғилиш иштирокчиларини Ватан ҳимоячилари кўни билан табриклашди.

(Давоми 2-бетда).

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

**Тошкент вилояти педагог ходимлари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида 14 январь – Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан “Мамлакатимиз Қуролли Кучлари – тинчлик ва осойишталигимиз гарови” мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

Унда Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси мутахассислари, республика Муҳофаа вазирлиги ходимлари, институт профессор-ўқитувчилари иштирок этди. Тадбирда қатнашчилар Қуролли Кучлар

тизими мустақиллигимизнинг мустаҳкам қоғоли ҳамда юрт ҳурлигини асраб-авайлаш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчи эканлиги ҳақида маълумотларга эга бўлишди. Шунингдек, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг онгу шуурига она Ватан, миллий истиқлол госяи, анъана ва қадриятларимизга садоқат руҳини сингдириш, таълим-тарбия жараёнида жанговар қуролланган армия ва Қуролли Кучлар тизимидаги ислохотларни теран тушунириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этиши таъкидланди.

“Туркистон-пресс”.

# ВАТАН АЗИЗ, ЖАСОРАТ МАНГУ

## МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йил 13 январда "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ юрдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари – унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Улар орасида вилоятимиз вакиллари ҳам бор: **II даражали "Шон-шараф" ордени билан Ҳаджимухамедов Абдумалик Маждидович** – вилоят Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифалари бажарувчи сафарбар отряди командирининг ўринбосари. **"Жасорат" медали билан Агзамов Ёқубжон Шукржонович (марҳум)** – Янгийул шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қўидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бошлиғи.

**"Шухрат" медали билан Акимбаев Абдугапар** – Янгийул шаҳар мудофаага қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти автомобиль мактабининг катта устаси.



ЎЗА ва ўз фотомухбирларимиз олган суратлар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари – Ватанимиз ҳимоясининг таянчи" мавзусида семинар бўлиб ўтди.**

## ЮРТ ҲИМОЯСИНИНГ ТАЯНЧИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси, Республика ҳарбий прокуратураси вакиллари, ўқитувчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари И. Саидназаров, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ. Жўраев ва бошқаруви Президентимиз, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош Қўмондони Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимиз мудофаа қўбиятини мустаҳкамлаш, унинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Соҳадаги тизимли, босқичма-босқич ислохотлар самарасида мудофаа ва хавфсизлик тизимлари сафи миллий кадрлар билан тўлдирилиб, замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукаммал, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армиямиз барпо этилди.

Соҳага оид қўнун ҳужжатларининг ҳаётга изчил таъбиқ этилиши натижасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимидаги барча тизимларнинг фаолияти самарадорлиги тобора ортомқда. Бу эса армияда хизмат қилиш ҳаётининг муқаддас томи маънодаги фахру-ифтихор, шон-шараф ишига айланишида муҳим омил бўлаётди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимидаги ислохотлар ва уларнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган мазкур тадбирда маърузалар тингланган ва муҳокама этилди.

**Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.**

## ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**Кўни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ватан ҳимоячилари кўни ва Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ички ишлар, Мудофаа ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ҳамкорлигида журналистика соҳасида эълон қилинган "Ватан азият, жасорат мангу" республика танлови ғолиблари ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов маросимни кириш сўзи билан очар экан, ушбу танлов Юртбошимизнинг 2011 йил 28 октябрдаги фармойишига кўра ташкил этилгани ва бунда қаламқаш журналистлар ўртасида ҳарбий ватанпарварлик йўналишида ижод қилаётган 100 дан ортиқ иштирокчи ўртасида 1,5 миңдан ортиқ ижод намуналарини тақдим этганликларини маълу қилди. Танловда "Босма ОАВда эълон қилинган энг яхши материал", "Энг яхши телевизион чиқишлар нашрларида эълон қилинган энг яхши материал учун" номинациялари бўйича ғолиблар аниқланиб, биринчи ўрин ноутбук, иккинчи ўрин компьютер жамланмаси ва учинчи ўрин рангли телевизор билан тақдирланди. Бундан ташқари, танлов иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, ФВВ, ИИВларининг раҳбатлантирувчи эсалаик совғалари билан мукофотландилар. Улар сафида вилоят ички ишлар бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлимининг ОАВ билан алоқалар гуруҳи инспектори Хуршид Рўзиевнинг ҳам борлиги қувончлидир.

Тадбир сўнггида Қуролли Кучлар миллий ашула ва рақс ансамблининг чиқишлари иштирокчиларнинг кўнглини хушнуд этиб, кечага ўзгача файз бағишлади.

**Равшан ОМОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## ОЗОДЛИК ВА ИСТИҚЛОЛ ПОСБОНЛАРИ

– Қуролли Кучлар – тинчлик, хавфсизлик, барқарорлик ва сарҳадларимиз дахлсизлигининг таянчи ва ишончли кафолати, – деди вилоят ҳокими. – Бу йил – армиямиз учун алоҳида йил. 14 май кўни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 20 йиллигини нишонлаймиз. Шу йиллар давомида катта йўл босиб ўтилди. Биз оддий бўлмаган даврда ашяямиз. Ҳаётнинг турмушининг хотиржамлиги, мустаҳкам ҳимояда эканлигимизга қатъий ишончлари – бизнинг хизматингиз самараси. Ҳарбий кийимбош зиммага катта масъулият юклайди. Шу билан бирга Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш нафақат конституциявий бурч, балки нуфузли касблардан бири, шон-шараф иши. Ватан ҳимоячилари жамиятда алоҳида ҳурмат ва нуфузга эга.

Шундан сўнг ёқимли ва ҳаёжонли дақиқалар бошланди. Ҳарбийларнинг катта гуруҳига "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил" эсдалик нишонлари, алоҳида хизматлари учун фахрий ёрлик ҳамда совғалар топширилди. Байрам арафасида ҳарбий унвонлар берилган офицерларни эса алоҳида табриклашди.

– Менга эсдалик нишони топширилгани ҳаётимдаги энг қувончли воқеалардан бири. (Давоми. Боши 1-бетда).

## ҲАҚИҚИЙ ҚАҲРАМОНЛИК БУ

**Дунёда касблар кўп. Аммо Ватан ҳимоячиси бўлиш уларнинг энг шарафлиси. Зеро, бу киндик қони тўкилган Ватанни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, ўз оиласини, шаъну гурурини, ор-номусини ҳимоя қилиш демокдир.**

Ҳар кўни эрталаб фарзандларимизни боғчаю мактабга ишонч билан кузатамиз, ишга келамиз, яхши кайфият, хурсандчилик билан уйга қайтамиз. Инсон ҳаётидаги бу бахтли онларнинг бош мезони тинчликдир. Бу ҳар соат, ҳар дақиқа ҳушёрликни кўндан бермай, осмонимиз мусоф-қолиги, юртимиз осойишталигини таъминлаётган ҳарбийларнинг мардона меҳнати самарасидир. Шу боис Ватан ҳимоячилари байрами – мардлар байрами, барчамизнинг миллий байрамимиздир.

Шу кўнларда мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида ушбу байрам кенг нишонланаяпти. Хусусан, Охангарон туманида кўни кеча Ўзбекистон Республикаси



Қуролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан туман ҳокимлиги, "Қамолот" ЕИҲ туман бўлими ва ЎЗМТДП вилоят кенгаши

ҳамкорлигида "Ҳарбий ислохот – замонавий профессионал армиянинг асоси" шiori остида ўтказилган тадбир бунинг исботидир. Тадбир қатнашчилари бугунги кунда армиянинг тинчлигини таъминлашдаги ўрни муҳим эканлигини алоҳида таъкидлашди. Байрам шодийенасига маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли "Орзу" рақс дастасининг чиқишлари алоҳида файз бағишлади.

Юртбошимиз "Юксак маънавият – энгилмас куч" асарига таъкидлаганидек, "...ҳар кўни, ҳар соатда фидойи бўлиш ўзини томичи ва томичи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш – ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу".

**Равшан РУСТАМ ўғли.**

## ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП



**Бекобод шаҳридаги 34-милиция таянч пункти вилоят миқёсида ўтказилган "Намунали милиция таянч пункти" курик-танловида биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритди.**

40 ишбилармонлар кўп. 40 эркак ва 15 аёл тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Касб-хунар коллежларини тамомлаган ёшларнинг кўпчилиги мебель корхонаси, тикувчилик ва нон цехларида ишлашмоқда.

– Ҳамкорликда ҳикмат кўп, – деди милиция таянч пункти профлактика инспектори Ҳасанов Фозил. – Маҳалла фаоллари билан ҳамкорлигимиз натижасида жиноят ва ҳуқуқбузарликлар анча ка-

майд. Ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида "Баркамол авлод – келажак пойдевори", "Ёшлар – гийёвандликка қарши", "Биз соғлом турмуш тарзини танлаймиз!", "Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият", "Огоҳлик – давр талаби", "Терроризм – инсоният душмани", "ОИТС касалликлари" каби мавзуларда ўрнатиш ва давра суҳбатларини мунтазам ўтказаямиз. – Биз Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунлари, Юртбошимизнинг фармон ва қарорларини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, – деди диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Раъно Раҳмонова. – Шунингдек, ҳар бир оиланинг яшаш тарзи, муаммолари ўрганилиб, улардан қўлдан келган ёрдамимизни, маслаҳат ва йўл-йўриқларимизни аямаямиз. Профлактика инспектори билан ҳамкорликдаги фаолиятимизни давом эттириб, маҳалламизда намунали оилаларни янада кўпайтириш ниятидамыз.

**Хуршид РЎЗИЕВ.**

Таянч пункти биноси замон талаблари даражасида барпо этилгани, маҳалла оқсоқоли, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, посбонлар сардори ва профлактика инспекторининг шу бинода жойлашгани уларнинг ҳамжиҳатлигини таъминлаб, ўтказилаётган тадбирлар самарадорлигига хизмат қилмоқда.

– Маҳалламизда 4100 дан зиёд турли миллат вакиллари истиқомат қилишди, – деди "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳматилло Олимов. – Эътиборли жиҳати шундаки, ҳудудда тадбиркор



## АРМИЯМИЗ – ИФТИХОРИМИЗ

**Бугун ҳар биримизнинг қалбларимиз мамнуният, қониқиш ҳислари, фахр-ифтихор туйғуларига тўла. Негаки, Ватан ҳимоячилари кўнини нишонламоқдамиз. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганидан сўнг ўтган 20 йил мобайнида миллий армиямиз ёшлар учун садоқат, жасорат ва матонат**

Менинг умрим Қуролли Кучлар сафида ўтди. Ҳарбий хизматда чиникдим. Шофёр, танк ҳайдовчиси касбларини эгалладим, парашютчи бўлдим. Мустақил Ўзбекистонимизни ички ва ташқи бузғунчилар, диний ақида парастлар, террорчилар хуруждан ҳимоя қилдим.

Ҳарбий хизмат кишини чинакамага чиниктиради. Давлатимиз раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Олий Бош қўмондони ташаббус-

мактабига айланди. Мустақил тараққиёт йўлидан бориб, тинч ва осойишта ҳаётимизни авайлаб-асраш, мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириб, буюк келажакимизни барпо этишдек қўтлуғ мақсадни рўёбга чиқаришда Ватан посбонларининг хизматлари муҳим ўрин тутмоқда.

Мен ниҳоятда бахтлиман. Негаки, икки ўғлим менинг ҳаёт йўлимни такрорлашмоқда. Ўғлим Жаҳонгир Азимовга эргашиб, кенжа ҳарбий билим юртига кириб ўқиди, танкчи-офицер бў-

либ етишди. Улар менинг ифтихорим. Ҳамиша топширилгани пухта бажаришни, эл-юртга садоқат билан хизмат қилишни маслаҳат берман. Кўнглим хотиржамлиги шундаки, уларнинг ҳар иккиси ҳам она Ватан ва халқимиз олдидаги бурчларини шараф билан ўташяпти.

**Ҳожиакбар АЗИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фахрийси.**

КҮРИК-ТАНЛОВ

Вилоят Маданият марказида "Энг яхши бизнес-лойиҳа" кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда барча шаҳар ва туманлардаги хусусий ва қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, молия ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Кўрик-танлов ташкилотчилари – вилоят ҳокимлиги, республика Марказий банки ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаларининг фикрича, танлов энг истиқболли бизнес-лойиҳаларни аниқлаб бериши ва кейинчалик бу лойиҳалар Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожига хизмат қилиши лозим.



«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ  
очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Capital Realtor Group" МЧЖда 2012 йил 15 февраль куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси ошириб бериш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қўйидаги кўчмас мулк объектлари қўйилган:

Янгийўл туман Суд ижро-чилари бўлими томонидан савдога қўйилган:

1. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят Зангиота туманларо судининг 2011 йил 12 сентябрдаги 111848/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, И. А. Инамова тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчасидаги Буюм бозорида жойлашган, умумий майдони 24,0 м.кв. бўлган Савдо дўкони биноси.

Бошланғич нархи – 35 203 000 сўм.

2. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят Зангиота туманларо судининг 2011 йил 12 июндаги 1-9203-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Акбаров Ф.га тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Эски Қовунчи ҚФЙ, 55-раўмий кўчасида жойлашган, умумий майдони 755,83 кв.м., фойдаланиш майдони 261,51 м.кв. бўлган Савдо дўкони биноси.

Бошланғич нархи – 65 000 000 сўм.

3. Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 22 августдаги 11-1125/11183-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "AKROMJON AGROLYUKS" ХКга тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, А. Ортиқов ҚФЙ, Дўстлик ДФХУда жойлашган, умумий майдони 3 252 м.кв., жами фойдаланиш майдони 903,83 м.кв. бўлган "Чорвачилик фермаси" бино ва иншоотлари.

Бошланғич нархи – 500 000 000 сўм.

4. Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 21 июлдаги 11-1125/11184-сонли ижро варақасига асосан хатланган,

"HAYRIDDIN OIL PLYUS" МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Юнусов тумани, Ц-5-дахаси, 40-уй, 6-хонадонда жойлашган, умумий майдони 65,98 м.кв.дан иборат, икки даҳлизи, ошхона, ҳаммом, ҳожатхона ва айвонлар мавжуд бўлган, жиҳозлар деворга бириктирилиб таъмирланган, кўп қаватли бинода жойлашган уч хонали нотуражой.

Бошланғич нархи – 240 000 000 сўм.

Охангарон туман Суд ижро-чилари бўлими томонидан савдога қўйилган:

1. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят Охангарон туманларо судининг 2011 йил 25 апрелдаги 1689-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "HURSHID INVEST" МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий майдони 0,7882 га, фойдаланиш майдони 1594,80 м.кв. бўлган бино ва иншоотлар.

Бошланғич нархи – 140 000 000 сўм.

2. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят Охангарон туманларо судининг 2011 йил 25 апрелдаги 1689-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бувабекова Р. К.га тегишли, Тошкент вилояти, Охангарон шаҳри, 2-даха, 2-уй, 3-хонадонда жойлашган, фойдаланиш майдони 63,2 м.кв. бўлган нотуражой.

Бошланғич нархи – 13 000 000 сўм.

3. Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят Охангарон туманларо судининг 2011 йил 25 апрелидаги 1689-2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "HUSHNUDBEK ZAMIN FAYZ" МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Охангарон тумани, Озодлик

ҚФЙ, Эйвалек кўрғониде жойлашган, умумий майдони 0,2617 га, фойдаланиш майдони 359,86 м.кв. бўлган колбаса цехи бино ва иншоотлари.

Бошланғич нархи – 100 000 000 сўм.

4. Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 25 январдаги 1027/25350-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "SAHOBIDDIN OHANGARON SAVDO" МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Охангарон тумани, Озодлик ҚФЙ, Эйвалек кўрғониде жойлашган, умумий майдони 313,74 м.кв. бўлган "Чорвачилик фермаси" Савдо дўкони биноси.

Бошланғич нархи – 58 125 000 сўм.

Ушбу аукцион савдоларида сотилмай қолган кўчмас мулк объектларининг такрорий аукцион савдолари 2012 йил 1 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Ушбу кўчмас мулк объектлари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 16.00 тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагиде бўлган талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Capital Realtor Group" МЧЖнинг "Капиталбанк" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалида қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО 01018, СТИР 207126662.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24. Лицензия: RR-0017.

БИЗНЕС-ҲОЯДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТГАЧА

Шунингдек, ташаббускор, изланувчан, янгиликка интилувчи кишиларга ўз лойиҳаларини молиялаш ва кредитлашнинг янги манбаларини топишлариға кўмаклашиш ҳам мақсад қилинган.



қандай илгор янгиликка тез эътибор қаратувчи ва мосланувчи тузилмадир. Жиддий соғлом рақобат тадбиркорларни янги маҳсулот турларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, истеъмолчиларға қўшимча хизматлари таклиф этишга мажбур қилмоқда. Шуниси кувонарликки, кишлоқларда кўпала янги

кўп тармоқли маиший уйлар аҳолиға хизмат кўрсатиб, оғирини енгил қилмоқда. Муайян ютуқларға эришган, бозорлардан мустақкам ўрин ағалашға улгурган компаниялар Маданият маркази фойсиде ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни намойишға қўйишди. Бу ерда озик-овқат ва ўзгөр кимёсидан тортиб қурилиш ашёларига бор. Юқори технология ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган фирмалар улуши кескин ошди. Бу истиқболли бизнес-лойиҳаларни муваффақиятли амалға ошириш самарасидир.

Ҳақамлар хайъати бизнесчилар тайёрлаган саноат ва кишлоқ хўжалигининг турли соҳаларига оид лойиҳаларни атрофлича таҳлил этди. Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси кўрик-танловнинг турли йўналишлари бўйича голиблар номини бир ойдан сўнг эълон қилди. 51 тадбиркорға эса, имтиёзли кредитлар олиш имконини берувчи сертификатлар топширилди.

Собир ЗУФАРОВ ва Даврон АХМАД олган суратлар.

САЛОМАТ БЎЛИНГ

Ўзбекистонда сил касаллиғига қарши курашиш стратегияси уни вақтида аниқлаш ва даволашға қаратилган бўлиб, беморларни ташхислаш ва муолажа тизими мавжуд бўлган тиббий муассасалар базасида децентрализация қилишға ҳамда бирлашқан тиббий ёрдам тизимига интеграллаштиришға асосланган.

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни унинг олдини олишға қаратилган ихтимой, тиббий, санитария-гигиенаға оид, эпидемиология қарши ва бошқа чоратадбирларни амалға оширишнинг, шунингдек, бу касалликка чалинган беморларни аниқлаш, даволаш, диспансер кўригидан ўтказиш ва реабилитация қилишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Ун саккизинчи асрнинг ўрталарига чадил насданаслаға ўтувчи ирсий касаллик ҳисобланади. Лекин унинг ҳаво орқали юқишини ҳеч ким билмаган. Аммо ун бешинчи асрларға келиб Шарқ мамлакатларининг энг машҳур табиби, олим-эпидемиологиде Абу Али ибн Сино "Тиб қонуналари" асарида силнинг ташқи омиллар таъсирида юқиши мумкинлиғи ҳақида фикр билдирган. Асрлар давомиде силнинг келиб чиқиш сабаблари қоронғулиғича қолди ва уни даволаш учун етарли воситалар бўлмаганили туйғайли, сил ташхиси ўлим-

КАСАЛЛИК САБАБИ – ЭЪТИБОРСИЗЛИК

ға маҳкумлиқ билан баробар эди. 1882 йилда немис табиби Робер Кох силни келтириб чиқарувчи бактерияни, яъни сил таёқчасини кашф этди ва унга табиб шарафига Кох таёқчаси деб ном берилди. Упка силға чалинган киши аксирганда ёки йўталганда ҳавоға тарқалидиган қоз зарралариде сил бактерияси мавжуд бўлиб, шу ҳаводан нафас олган киши ҳам инфецияланади ва сил касаллиғини юктириб олади. Даставвал, сил кўзғатувчиси кўп йиллар давомиде инсон танасида қарахт ҳолатда яшайи мумкин. Агар бактерия уйғонса, у кўпайишни бошлайди ва касаллик ривожланиб боради. Сил касалиға йўлиққан кишининг яқинлари ва

дўстлари ҳам касалликни юктириб олишлари ҳавфи кучли бўлади. Чунки, улар касал билан бир хонада яшашлари, у нафас олаётган ҳаводан нафас олишлари

нингда таъкидландики, кўпчилик силни бедаво касаллик деб ҳисоблайди. Бу фикр мутлақо нотўғри. Силға қарши курашиб, унинг олдини ола билади, фақат ўз вақтида ташхис қўйилса бас. Агар касаллик ривожланиб кетмасидан, уни аниқлаб, керакли муолажалар қилинса, албатта, сил хасталигидан халос бўлиш мумкин. 2011 йил бу соҳада омадди йил бўлди. Негаки, аҳолини силдан ҳимоя қилиш бўйича жуда кўп тадбир ва лойиҳаларни амалға оширишға муваффақ бўлди. Ҳозир силға қарши кураш чора-тадбирлари ўз самарасини бериб, ўлим йилдан-йилға камайиб борапти. Айримлар кучли йўталға дучор бўлсаларда, "ўтиб кетди" деб, вақтида врачға уршамайдилар, фурсатни бой бериб, хасталик обдон ривожланиб кетганидан сўнг даволашни зарурлиғини эътилайдилар. Шу боис таъкидлаш жоизки, биз доимо оғох бўлишимиз, нафақат ўз соғлиғимиз, балки ақинларимиз, атрофдагилар саломатлиғиға ҳам беъэтибор бўлмаслиғимиз лозим. Зеро, соғлом турмуш тарзи оила мустақамлиғини, келажакимиз пойдеворини белгилайди.

Феруза АЛИҚУЛОВА, ЎзДЖТУ талабаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚҲЙИДАГИ НОТАРИУС ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЎТҚАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

- Олмалик шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар Бекобод шаҳар давлат нотариал идорасига 1 нафар Бўстонлик туман 2-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар Паркент туман 2-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар Ўрта Чирчиқ туман 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар Юқори Чирчиқ туман 2-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар Янгийўл туман 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар Янгийўл туман 5-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар Зангиота туман 8-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар Чиноз туман 2-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар Олмалик шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар Охангарон туман 2-сон давлат нотариал идорасига 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- 1. Комиссия номиға ариза; 2. Паспорт нусхаси; 3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа; 4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси; 5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиғи тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимиде уч йил мобайлида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиғи тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма); 6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тасвиғнома.
- Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотға, юридик мутахассислик бўйича камиде уч йил мўддатли иш стажига эға бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин. Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2012 йил 9 февраль кўниға қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиғиға мурожаат этишлари лозим.
- Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй. Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.



ШОТЛАНДИЯ ЛОНДОН  
ТАКЛИФИНИ РАД ЭТДИ

ФУТБОЛЧИ  
ПРЕЗИДЕНТ  
БЎЛМОҚЧИ



ШЕЪРИЯТ

## БАЙРАМИНГИЗ БЎЛСИН МУБОРАК!

## ВАТАНГА ҚАСАМ!


ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

КЎРГАЗМА

## ПИНҶОНА ЮГУРИШ – УМР ЗАВОЛИ



РАССОМ ХАНДАСИ



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ  
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА



ШОТЛАНДИЯ ЛОНДОН  
ТАКЛИФИНИ РАД ЭТДИ

ФУТБОЛЧИ  
ПРЕЗИДЕНТ  
БЎЛМОҚЧИ



ШЕЪРИЯТ

# БАЙРАМИНГИЗ БЎЛСИН МУБОРАК!

# ВАТАНГА ҚАСАМ!

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР


КЎРГАЗМА

# ПИНҶОНА ЮГУРИШ – УМР ЗАВОЛИ



РАССОМ ХАНДАСИ

– Эртага барибир бу кинони қайтариб кўрсатишади. Уйда ҳеч ким йуқлигида кўрамыз-а...



Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ  
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА





**БАЙРАМИГИЗ  
БЎЛСИН МУБОРАК!**

**ВАТАНГА ҚАСАМ!**



